

**“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти**  
**Ягона акциядорининг 5-сонли**  
**КАРОРИ**

2020 йил 21 август

Тошкент шахри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 83 226 790 056 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг давлат активларини бошқариш Агентлигига тегишли бўлиб, Агентлик жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қўйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан Жамият Ижро органининг ҳисботини кўриб чиқиши.

2. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисботини тасдиқлаш.

3. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан Жамият Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини кўриб чиқиши.

4. 2019 йил якунлари бўйича «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.

5. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Бошқарув раисининг Инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринbosари ҳисботини эшитиши.

6. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиши.

7. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини кўриб чиқиши.

8. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масаласини кўриб чиқиши.

9. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг Бошқарув аъзолари ваколатини бир йилга узайтириш масаласини кўриб чиқиши.

***Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:***

«Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартағи ПҚ-4249-сонли қарорига биноан, электр энергияни якуний истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи худудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи хўжалик

бошқарув органи сифатида ташкил этилган бўлиб, ўзининг тўлақонли фаолиятини 2019 йилнинг июн ойидан бошлаган (Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва бошқа органлари таркиби 2019 йилнинг 21 июнида тасдиқланган). “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг фаолияти Жамият таркибига кирувчи 14 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бериладиган ажратмалар ва тизимдаги корхоналар устав капиталидаги “Худудий электр тармоқлари” АЖ улушига ҳисобланадиган дивидендлар ҳисобига молиялаштирилади. “Худудий электр тармоқлари” АЖ фаолиятини таъминлаш учун Жамият тизимидағи корхоналар томонидан амалга ошириладиган ажратмалар микдори (фоизи) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.06.2019 йилдаги 01-06/1-1172-сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Идоралараро Республика тариф комиссиясининг 14.08.2019 йилдаги 02/1-2493-сонли баённомалари билан тасдиқланган.

Шу боис Жамиятнинг 2019 йилга мулжалланган Бизнес-режаси ушбу молиялаштириш манбаларидан келиб чиқилиб, «*Hududiy elektr tarmoqlari*» АЖ Ягона акциядорининг 27.08.2019 йилдаги 4-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур Бизнес-режага кўра Жамиятнинг жами даромадлари 88,08 млрд. сўмни, харажатлари 84,79 млрд. сўмни ва натижада 3,29 млрд. сўм микдорида соф фойда олиниши кўзда тутилган.

«*Hududiy elektr tarmoqlari*» АЖнинг Ижро органи ва Кузатув кенгашининг 2019 йилда олиб борган харакатлари натижасида жами даромадлар 286,58 млрд. сўмни (шундан 161,17 млрд. сўмлик қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Мажбурий ижро бюроси тарафидан АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун берилган мақсадли маблағлар, 117,37 млрд. сўми тизимдаги корхоналарнинг ажратмалари ва 3,29 млрд. сўми дивидендлар), харажатлар 52,95 млрд. сўмни (шундан 9,34 млрд. сўми фойда солиги) ва соф фойда 233,63 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, «*Hududiy elektr tarmoqlari*» АЖ ижро аппарати томонидан ўзига юклатилган функционал вазифаларни бажариши натижасида Жамият тизимидағи 15 та корхонанинг 14 таси 2019 йилда ўз фаолиятини жами 202,45 млрд. сўмлик соф фойда билан якунлади. Шунингдек, 2019 йил давомида тизимдаги 14 та худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан истеъмолчиларга 52,1 млрд. кВтс. (17922,1 млрд. сўмлик) электр энергияси етказиб берилди.

Ўз навбатида, Жамиятнинг 2019 йил учун Бизнес-режасидаги Самарадорликни мухим кўрсаткичлари (КРІ) ҳисоблаб чиқилиб, самардорликни йиғинди кўрсаткичи (Интегральный коэффициент эффективности) 500,3 фоизни ташкил этди. Мустақил баҳоловчи «Investment Management Group» МЧЖ тарафидан ўтказилган «*Hududiy elektr tarmoqlari*» АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳулосага кўра

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими 487 баллга (қониқарли) баҳоланган.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, қарор қиласи:

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2020 йилга мулжалланган Бизнес-режаси асосий кўрсаткичларини сўзсиз бажарилиши бўйича барча зарур чораларни кўрсинг.

#### *Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:*

Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилиги талабларига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг йилик ҳисоботлари жамият акциядорларининг ҳисбот йили якуни бўйича умумий йғилиши ўtkазилгандан сўнг икки хафта ичida қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ошкор қилиши мажбурийдир.

Шу билан бирга, мустақил аудитор ташкилоти «HLB-TASHKENT» МЧЖ томонидан ўтказилган аудит текшируви натижаларига кўра «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботлари хаққонийлиги юзасидан ижобий хулоса берилган. Ушбу ҳисоботларга кўра Жамият бухгалтерия балансининг активлари миқдори 5997,73 млрд. сўмни, ўзлик маблағлари миқдори 4 189,32 млрд. сўмни, жами даромадлари 286,58 млрд. сўмни, жами ҳаражатлари 52,95 млрд. сўмни, соғ фойдаси 233,634 млрд. сўмни ташкил этган.

Ушбу молиявий ҳисоботлар асосида «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича йилик ҳисботи тайёрланган бўлиб, ушбу ҳисбот Ягона акциядор томонидан тасдиқланиши зарур.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, қарор қиласи:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисботи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисботини тегишли оммавий воситаларда ошкор этилишини таъминласин.

#### *Кун тартибидаги учиничи масала юзасидан:*

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Тафтиш комиссиясининг хуносасига кўра Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича жами баланс активлари 5997,73 млрд. сўмни, шундан узоқ муддатли активлар 5705,62 млрд сўмни ва жорий активлар 292,11 млрд сўмни ташкил этиши кўрсатилган. Шунингдек хуносада 2019 йил якунлари бўйича Жамиятнинг ўз маблағлари манбалари 4 189 316,4 млн. сўмни, шундан устав фонди 3 617 917,9 млн. сўмни, резерв капитали 6 451,5 млн. сўмни ва тақсимланмаган фойда 233 634,4 млн. сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган. Жамиятда 2019 йилда жами ҳаражатлари

52 949,2 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан давр харажатлари 21 001,8 млн.сўмни, маъмурий ҳаражатлар 8 429,4 млн. сўмни ва бошқа операцион ҳаражатлар 12 572,4 млн.сўмни, молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар 22 642,9 млн.сўмни ва фойда солиғи 9 304,4 млн. сўмни ташкил қиласди. Жамиятнинг активлари рентабеллиги коэффициенти 0,069 (корхона рентабелли), Хусусий маблағлар ва қисқа муддатли қарзлар ўзаро нисбати коэффициенти нисбат коэффициенти 5,95 (корхонада молиявий таваккалчилик мавжуд эмас), Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти 0,06 (меъёр даражада) ташкил этган.

Шу билан бирга Тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг 2020 йилдаги фаолиятида қўйидагиларга ахамият бериш:

1. Жамиятнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини янада оширишга эътибор қаратиш;
2. Жамият ижро органи томонидан жамиятда дебитор ва кредитор қарздорликларнинг ошиб кетишига, шу жумладан улар бўйича муддати ўтган қарздорликлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, доимий равишда мониторинг ишларини олиб бориш;
3. Жамият ижро органи томонидан тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларининг ижросини сўзсиз таъминлаш, режада кўзда тутилмаган ҳаражатларни амалга оширишга йўл қўймаслик.
4. Жамият томонидан тузилган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар бўйича мухим фактларни ўз вактида корпоратив ахборот ягона порталida эълон бериб бориш.
5. Жамият томонидан тузилган аффилланган шахслар билан тузилган битимлар бўйича маълумотларни Жамият ижроия органи ва ички аудит томонидан ўрганиб чиқилиб, натижаси бўйича кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибига киритиши.
6. Жамият устав капиталидаги 100 фоиз давлат улуши шаклланганлиги сабабли Жамият томонидан сотиб олинадиган ва сотиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқсан ҳолда биржа савдоларида амалга ошириш тавсия этилган.

**Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, қарор қиласди:**

1. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Тафтиш комиссиясининг Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти юзасидан хulosasi маълумот учун қабул қилинсин.
2. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Бошқарув раиси (Мустафоев) Жамият Тафтиш комиссияси хulosасида кўрсатилган тавсияларни бажарилиши бўйича барча зарур чораларни кўрилишини таъминласин.

#### ***Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:***

Акциядорлик жамиятлари самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Республика Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли баёни билан Корпоратив бошқарув Кодекси

тасдиқланган.

«Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Ягона акциядорининг 29.07.2019 йилдаги З-сонли қарори билан Жамият томонидан ушбу Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига амал қилиш мажбурияти қабул қилинган.

Шу билан бирга ушбу Кодекс тавсияларига риоя қилишни ўз зиммасига олган акциядорлик жамиятларида Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш учун йилига камида бир марта корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчига баҳолатиш амалга оширилади.

Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажариш мақсадида Жамиятнинг 2019 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолатиш учун «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Кузатув кенгашининг 20.03.2020 йилдаги 1-сонли қарори билан мустақил баҳоловчи «Investment Management Group» МЧЖ жалб қилинган. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи бўлган «Investment Management Group» МЧЖнинг 29.05.2020 йилдаги 01/04-сонли хulosасига кўра «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг Корпоратив бошқарув тизими 2019 йил якунлари бўйича қониқарли (487 балл) деб баҳоланди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, **қарор қиласи:**

1. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи бўлган «Investment Management Group» МЧЖ томонидан «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизими юзасидан берилган хulosаси маъумот учун қабул қилинсин.

2. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Ижро органи Жамиятда корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштириш бўйича барча зарур чораларни кўрилишини таъминласин.

#### **Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:**

2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан тасдиқланган давлат инвестиция дастурлари асосида «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ ва унинг тизимидағи корхоналар томонидан жами 171,72 миллион доллар (режага нисбатан 193,67%) Инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Шундан ўз маблағлари 67,57 миллион доллар (ёки 560,8 млрд сўм), Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари 0,56 миллион доллар ва давлат кафолати остидаги хорижий кредитлари ҳисобидан 103,6 миллион доллар ўзлаштирилди.

Тармоқларда янгилаш ва модернизация ишларини жадаллаштириш ва харажатларни қисқартириш мақсадида 2020 йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигига ўтказилган йигилишинг 2-сонли баёнининг 21-бандига мувофиқ, 2019 йилнинг 2-ярим йиллигига барча худудий электр тармоқлари корхоналари таркибида темир-бетонч таянч, металл ва бетон мақсулотларини ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган бўлиб, бугунги кунда “Қорақалпок

ХЭТК” АЖ, “Фарғона ХЭТК” АЖ, “Наманган ХЭТК” АЖ, “Қашқадарё ХЭТК” АЖ ва “Тошкент ХЭТК” АЖларда темир-бетон таянчлари ва траверслар ишлаб чиқарилиши йўлга қуйилган.

2019 йилда Республика истеъмолчиларини сифатли ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида, тасдиқланган давлат инвестиция дастурлари асосида Республиканинг барча минтақаларида жами 7272,8 км электр узатиш тармоқларини модернизация қилинишига ва 2700 та янги трансформатор пунктлари ўрнатилишига эришилди (Маълумот учун: 2017 йилда 3 824,5 км ЭУТ ва 1 267 та ТП, 2018 йилда 6 558,1 км ЭУТ ва 2 291 та ТП янгиланган ва модернизация қилинган). Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2019 йилдаги ПҚ-4201-сонли қарори асосида, “Обод қишлоқ” Давлат дастури доирасида 2 559,9 километр электр узатиш тармоқлари ва 808 дона трансформатор пунктлари реконструкция қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2018 йилдаги ПҚ-3812-сонли қарори асосида, “Обод маҳалла” Давлат дастури доирасида 227,1 километр электр узатиш тармоқлари ва 108 дона трансформатор пунктлари реконструкция қилинди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПФ-5761-сонли Фармонида АСКУЭ тизимини жорий этиш дастури асосида 2019 йилда 2,5 миллион дона замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 2,52 миллион дона (шундан, аҳоли 2,45 млн, улгуржи 0,77 млн) ўрнатилиши таъминланди.

Республикада АСКУЭ тизимини жорий этиш мақсадида жорий йилда ҳам бу борадаги ишларни жадаллаштириш режалаштирилган бўлиб, 2020 йил якунига қадар 4,5 миллион дона электр ҳисоблагичлар ўрнатилади ва жами бўлиб 7,0 миллион истеъмолчи АСКУЭ тизимига уланиши таъминлаш борасида барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, 2020 йилнинг 20 январида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси - Энергетика вазири томонидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 2020 йилдаги фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари (КРІ) тасдиқланган бўлиб, унда Инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш, махаллийлаштириш, кооперация алоқаларини ва ахборот коммуникация технологияларини кенгайтириш бўйича тегишли прогноз кўрсаткичлари белгилаб берилган.

Ушбу тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб 2020 йил давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан инвестиция дастурлари доирасида 122,1 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида инвестицияларни ўзлаштириш, ташаббус асосида 2 та янги лойиҳаларни ишлаб чиқиши, инвестиция дастурига асосан 2 та янги обьектларни ишга тушириш, махаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини ҳамда ахборот коммуникация технологияларини кенгайтириш юзасидан 4 та лойиҳа бўйича ишларини амалга ошириш ва 5,5 млн. АҚШ доллари миқдорида импорт хажмини камайтирилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида 2020 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар натижасида инвестиция дастурлаи доирасида 65,45 млн АҚШ доллари

эквиваленти миқдорида (прогноз кўрсаткичига нисбатан 115%) инвестициялар ўзлаштирилди, Инвестиция дастурига асосан 1 та объект ишга туширилди (100%), Ташаббус асосида 1 та янги лойиҳа ишлаб чиқилган (100%), 2,9 млн. АҚШ доллари миқдорида (прогноз кўрсаткичига нисбатан 103,6%) импорт хажмини камайтиришга эришилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ягона акциядори, қарор қиласиди:

1. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Бошқарув раисининг Инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосарининг Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича инвестиция дастурларини бажарилиши юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ Бошқарув раисига (Мустафоев) Жамият Бошқарув раисининг Инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг асосий кўрсакичларини Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 21.11.2019 йилдаги 908/03-09-2-сонли хатидаги тавсиялардан келиб чиқсан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва кўрсакичларни Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

### *Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:*

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 2019 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаси 233,634 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 161,17 млрд. сўм қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Мажбурий ижро бюроси тарафидан берилган мақсадли маблағлар бўлиб, улар АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун мақсадли сарфланган. Ушбу қурилма ва ускуналар 14 та худудий электр тармоқлари корхоналарга йўналтирилган бўлиб, мазкур инвестициялар эвазига “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан уларнинг устав капиталида қўшимча улушлар олиш режалаштирилган.

Шунга кўра ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги молиявий холатидан келиб чиқиб ва Ҳукуматнинг бир қатор қарорлари асосида хозирги кунда Жамият таркибидаги худудий электр тармоқлари корхоналари тарафидан паст кучланишли электр узатиш тармоқларини модернизация қилиш ҳамда АСКУЭ тизими жорий этиш бўйича жадал суратларда ишлар амалга оширилаётганини инобатга олиб, Жамият Кузатув кенгаши томонидан “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 233 634 418,4 минг сўмлик соф фойдаси суммасидан МИБ томонидан электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари учун берилган 161 170 110,81 минг сўмлик қисми чегириб ташлаган ҳолда, қолган 72 464 308,03 минг сўмни тақсимланиши тавсия этилган.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Кузатув кенгаши тавсияларидан келиб чиқиб, Жамият ягона акциядори, қарор қиласди:

1. «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖнинг 2019 йил якунлари бўйича олинган 233 634 418,84 минг сўмлик соф фойдаси суммасидан МИБ томонидан электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари учун берилган 161 170 110,81 минг сўмлик қисмини чегириб ташлаган ҳолда, қолган 72 464 308,03 минг сўмини қўйидаги тартибда тақсимлансан:

- 50 фоизи ёки 36 286 880,464 минг сўмни (бир дона акцияга 0,436 сумдан) Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисида”ги Конуни талабларидан келиб чиқиб дивиденд ҳисоблашга йўналтириш;

- 5 фоизи ёки 3 623 215,40 минг сўмни Жамиятнинг захира фондига йўналтириш;

- 10 фоизини ёки 7 246 430,80 минг сўмни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги 24-сонли қарорига мувофиқ Жамиятнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш фондига йўналтириш;

- 5 фоизини ёки 3 623 215,40 минг сўмни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Ижро органи, Тафтиш комиссияси ва меҳнат жамоаси аъзоларни мукофотлашга йўналтириш, шундан:

- Кузатув кенгаши аъзоларига 332 871,7 минг сўм (хар бирига меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 70 баробари миқдорида);

- Тафтиш комиссияси аъзоларига 81 519,60 минг сўм (хар бирига меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 40 баробари миқдорида);

- Жамият ижро органи (бошқаруви) ва меҳнат жамоаси аъзоларига 3 208 824,1 минг сўм («Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ ижро аппарати ходимларини йил якуни бўйича мукофотлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ).

- 0,6 фоизи ёки 434 785,85 минг сўми Ягона ижтимоий тўловга йўналтириш;

- 29,4 фоизи ёки 21 249 780,116 минг сўмни «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ устав фондига капитализация қилиш шарти билан давлат инвестиция дастурлари асосида амалга оширилаётган ишларни молиялаштириш учун Жамият тасарруфида қолдириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан МИБ тарафидан берилган ва АСКУЭ тизимини жорий этиш лойиҳаси доирасида электр энергиясини ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун сарфланган 161 170 110,81 минг сўмлик мақсадли маблағлар «Hududiy elektr tarmoqlari» АЖ устав капиталига давлат улуши сифатида капитализация қилинсин.

#### **Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:**

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядорининг 2019 йил 21 июндаги 2-сонли қарори билан Жамиятнинг 7 кишидан иборат Кузатув кенгаши сайланган.

Шу билан бирга “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядори – Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 16.03.2020 йилдаги 1520/03-08-сонли хати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг навбатдаги

йиллик умумий йиғилишда Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига қуидаги номзодларни сайлаш таклифи берилган:

1. Ж.Т.Мирзамахмудов - Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари.
2. Д.Ш.Султанов - Молия вазирининг ўринбосари.
3. А.А. Юлдашев - “Ўзэнергоинспекция” бошлиғи ўринбосари.
4. С.Н.Жумаев - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи.
5. Р.Л.Давидова - Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.
6. И.А.Ниматуллаев - Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи.
7. М.Валишвили - SOCAR Energy Georgia компанияси Бош директори маслахатчиси – Энергетика соҳасидаги халқаро эксперт (мустақил аъзо).

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан **қарор қиласди**:

1. Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 16.03.2020 йилдаги 1520/03-08-сонли хатига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгаши қуидаги таркибда сайлансин:

1. Ж.Т.Мирзамахмудов - Энергетика вазирининг биринчи ўринбосари.
2. Д.Ш.Султанов - Молия вазирининг ўринбосари.
3. А.А. Юлдашев - “Ўзэнергоинспекция” бошлиғи ўринбосари.
4. С.Н.Жумаев - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи.
5. Р.Л.Давидова - Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.
6. И.А.Ниматуллаев - Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи.
7. М.Валишвили - SOCAR Energy Georgia компанияси Бош директори маслахатчиси – Энергетика соҳасидаги халқаро эксперт (мустақил аъзо).

#### ***Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан:***

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядори – Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 16.03.2020 йилдаги 1520/03-08-сонли хати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишда Жамият Тафтиш комиссияси аъзолигига қуидаги номзодларни сайлаш таклифи берилган:

1. Ж.Н.Синдаров - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.
2. А.А.Шхалиев - Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.
3. А.И.Матякубов - Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан қарор қиласди:

1. Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 16.03.2020 йилдаги 1520/03-08-сонли хатига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Тафтиш комиссияси қуидаги таркибда сайлансан:

- |                    |  |
|--------------------|--|
| 1. Ж.Н.Синдаров -  | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.             |
| 2. А.А.Шхалиев -   | Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари. |
| 3. А.И.Матякубов - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.             |

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан:**


“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Ягона акциядори – Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 05.05.2020 йилдаги 3-сонли қарори билан Жамиятнирг қуидаги таркибдаги бошқаруви аъзолари сайланган:

1. У.М.Мустафоев - Бошқарув раиси;
2. Р.О.Райимов - Бошқарув раисининг электр тармоқларидан фойдаланиш бўйича биринчи ўринбосари;
3. Ж.О.Обиджонов - Бошқарув раисининг инвестиция, маҳаллийлаштириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш ва ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосари;
4. А.А.Аскаров - Бошқарув раисининг иқтисод бўйича ўринбосари;
5. Д.Б.Носиров - Бошқарув раисининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан қарор қиласди:

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоев, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосарлари Р.О.Райимов ва Ж.О.Обиджоновлар ҳамда Бошқарув раисининг ўринбосарлари А.А.Аскаров ва Д.Б.Носировларнинг ваколати бир йилга узайтирилсин.

Давлат активларини бошқариш  
Агентлиги директори ўринбосари в.б.

 Т.Набиев